## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

# Мавзу: Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

# Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни (03.01.2017 й.)

**коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

# Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун жавобгарлик турлари



# Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари

***(02.03.2016 йилдаги ВМ қарори билан тасдиқланган)***

Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Давлат хизматчиси томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

**Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси** томонидан кўриб чиқилади.

**Одоб-ахлоқ комиссияси, махсус таркибий бўлинма мавжуд бўлмаган тақдирда, давлат органи ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади**. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари давлат органи томонидан тасдиқланган **Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.**

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини махсус таркибий бўлинма ёки Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айни вақтда давлат органи раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган давлат хизматчисини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан **Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш** билан чекланиши мумкин.

Давлат хизматчилари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек давлат органининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

**Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли**

**Меҳнат шартномасини бекор қилиш**



**Ҳайфсан**

**Ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима**




# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ



**61-модда.** Оз миқдорда талон-торож қилиш

**61-1-модда**. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш

**193-1-модда**. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш

**193-2-модда**. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши

# Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жазо чоралари

**Амалдаги МЖтКда мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун фақатгина маъмурий тартибда**

**жарима жазоси назарда тутилган**

# Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар сони

| № | йиллар | МЖтК 61[1]-м | | МЖтК 193[1]-м | | МЖтК 193[2]-м | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маъмурий иш сони | шахс сони | маъмурий иш сони | шахс сони | маъмурий иш сони | шахс сони |
| **1.** | 2018 йил | - | - | 14 | 14 | 17 | 17 |
| **2.** | 2019 йил | 2 | 2 | 3 | 3 | 21 | 21 |
| **3.** | 2020 йил | 1 | 1 | 1 | 1 | 11 | 11 |
| **4.** | **ЖАМИ** | **3** | **3** | **18** | **18** | **49** | **49** |

| ЖК моддаси | Модда номи | МЖтК моддаси | Модда номи |
|---|---|---|---|
| 192-9 | Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш | - | - |
| 192-10 | Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш | 61-1 | Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш |
| 192-11 | Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш | - | - |
| 167 | Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш | 61 | Оз миқдорда талон-торож қилиш |
| 205 | Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш | - | - |
| 206 | Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш | - | - |
| 207 | Мансабга совуққонлик билан қараш | - | - |
| 209 | Мансаб сохтакорлиги | - | - |
| 210 | Пора олиш | - | - |
| 211 | Пора бериш | - | - |
| 212 | Пора олиш-беришда воситачилик қилиш | - | - |
| 213 | Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш | 193-1 | Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш |
| 214 | Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши | 193-2 | Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши |
| 243 | Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш | - | - |

## Мансабдор шахслар жиноятчилиги таҳлили:

| 2019 | | 2020 | |
|---|---|---|---|
| 994 та | жиноят иши бўйича | 1148 та | жиноят иши бўйича |
| 1339 нафар | мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган | 1723 нафар | мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган |

## Жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар мавқеи:

| 2019 | | 2020 |
|---|---|---|
| 40 | республика миқёсидаги ходимлар | 9 |
| 115 | вилоят миқёсидаги ходимлар | 45 |
| 1184 | туман (шаҳар) миқёсидаги ходимлар | 1669 |

## Зарар

2019

1 трлн. 854 млрд. сум миқдорида моддий зарар етказилган

1 трлн. 746 млрд. сум ёки 94,1% ундирилган

2020

500 млрд. 102 млн. сум миқдорида моддий зарар етказилган

355 млрд. 754 млн. сум ёки 71% ундирилган

# Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг содир этган жиноятлари турлари:



# Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазолар

умрбод озодликдан махрум қилиш

озодликдан махрум қилиш

интизомий қисмга жўнатиш

озодликни чеклаш



жарима

муайян ҳуқуқдан махрум қилиш

мажбурий жамоат ишлари

ахлоқ тузатиш ишлари

хизмат бўйича чеклаш



# Эътиборингиз учун раҳмат !